

**ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/29.12.2022.1.133.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

РАҲМАТОВА НАРГИЗАХОН АЪЗАМХОНОВНА

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of Dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on economical sciences**

Раҳматова Наргизахон Аъзамхоновна Миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш йўналишлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида).....	3
Раҳматова Наргиза Азамхановна Пути диверсификации структуры национальной экономики (на примере Республики Узбекистан).....	29
Rakhmatova Nargiza Azamovna Directions of diversifying the structure of the national economy (in the case of the Republic of Uzbekistan	54
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	58

**ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/29.12.2022.1.133.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАҲМАТОВА НАРГИЗАХОН АЪЗАМХОНОВНА

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2PhD/iqt622-рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.kiut.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Вахабов Абдурахим Васикович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулов Тўлқин Саттарович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Носиров Эгамкул Исмоилович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва
тадбиркорлик олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Тошкент Кимё халқаро университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/29.12.2022.I.133.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «01» 05 соат 14 дақиқада бўлиб ўтади. (Манзил: 100121, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 156-уй. Тел.: (78) 129-40-40; e-mail: info@kiut.uz)

Диссертация билан Тошкент Кимё халқаро университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100121, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 156-уй. Тел.: (78) 129-40-40; e-mail: info@kiut.uz)

Диссертация автореферати 2024 йил «16» 04 кuni тарқатилди.
(2024 йил «16» 04 12 рақамли реестр баённомаси)


К.Б. Ахмеджанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Ш.Ғ. Элмуродов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
А.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошдаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув шароитида миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг муҳим омилига айланмоқда. Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган рисклар ва ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда, Умумжаҳон банки гуруҳи мутахассислари жаҳон реал ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатини 2023 йилдаги 2,6 %дан 2024 йилда 2,4 %гача пасайишини башорат қилишган. 2025 йилда ушбу кўрсаткич 2,7 %га қадар кўтарилиши кутилмоқда.¹ Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, фоиз ставкаларининг ўсиши ва бюджет имкониятларининг қисқариши туфайли иқтисодиёт таркибини диверсификациялашга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Узоқ муддатли даврда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш учун давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишга қаратилган изчил, чуқур таркибий ислохотларни амалга оширишнинг назарий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти тармоқларида инновацион омиллар асосида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини оширишга бағишланган мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таркибий ўзгаришларнинг барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланишга таъсирини чуқур таҳлил қилиш, юқори технологияли хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал ўсишига иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш орқали эришиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тармоқларида турли мулкчилик шакллариининг самарадорлигини баҳолаш, иқтисодиётда давлатнинг бошқарув вазифаларини оптималлаштириш борасидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. Жаҳон хўжалигидаги рецессия ҳолати юқори технологияли ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришда инвестицион фаолликни ошириш асосида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда ислохотларнинг янги босқичида “... барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш ...”, “2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва “ўрта юқори даромадли давлатлар” қаторига кириш”, “2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4200 долларга етказиш, саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 25 фоиздан 32 фоизга етказиш”² масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий иқтисодиётда таркибий сиёсат борасида қатор ижобий натижаларга эришилганига қарамасдан, айрим тармоқ ва соҳалар ўртасида турли даражадаги номуносиблиklar сақланиб қолмоқда. Иқтисодиётда жадал таркибий

¹ World Bank Group Flagship Report Global Economic Prospects (2024).

<https://openknowledge.worldbank.org/server/api/core/bitstreams/7fe97e0a-52c5-4655-9207-c176eb9fb66a/content>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Қарори, 11.09.2023. <https://lex.uz/docs/6600413>.

ўзгаришларни амалга ошириш, миллий иқтисодиётни диверсификациялаш масаласи илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, шунингдек, 2022 йил 24 январдаги “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-99-сон, 2020 йил 15 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4830-сон, 2019 йил 4 октябрдаги “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон, 2019 йил 1 майдаги “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4302-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 526-сон қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришнинг методологик асослари ва амалга ошириш йўналишларига бағишланган масалалар узоқ хорижлик Б. Аллен, С.Х. Берри, Х.Л. Краненбург, Г. Минцберг, Р.А. Питтс³ каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Яқин хориж мамлакатларидаги олимлардан Р.А. Абрамов, Р. Аренд, А.Ю. Акимцев, А. Мейер ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида миллий

³ Booz Allen, Hamilton. Diversification. A Survey of European Chief Executives/New York: Booz, Allen and Hamilton [Текст], 1985. – P.378; Berry C.H. Corporate Growth and Diversification/Journal of Law and Economics [Текст] Vol.14, №2. October, 1971, P.371-383; Pitts, Hopkins, 1982 Pitts R.A., Hopkins, H.D. Firm diversity: conceptualization and measurement/Academy of Management Review. –№7 [Текст], 1982, pp.620-629; Mintsberg N., Global S - Diversification and Diversificat/California Management Review Fall [Текст], 1994. Vol. 3. P.8-27; Kranenburg H.L. van. Diversification Strategy, Diversity and Performance among Publishing Companies/H.L. van Kranenburg. – 6th Media Economics Conference [Текст]. – HEC Montreal, Canada. – 2004. – May. – P.12-15.

иктисодиёт таркибини диверсификациялашда тараққий этган мамлакатларнинг бой тажрибасини қиёсий таҳлил этиш ва улардан бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар амалиётида самарали фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилган. Диверсификацион жараёнлар самарадорлигини оширишга бағишланган илмий тадқиқотлар эса А.О. Гребенькова, А.А. Кофанов, Е.А. Прищенко, В.А. Солдаткинлар⁴ томонидан таҳлил қилинган.

Ўзбекистонлик олимлар С.А. Абдуллаев, А.В. Вахабов, Т. Жўраев, У.А. Мадрахимов, А.А. Маманазаров, Қ.Қ. Мамбетжанов, Г.Н. Махмудова, Н.Г. Мўминов, Т.У. Нурибетов, Г.Х. Разикова, Н. Тўхлиев⁵ ва бошқа иктисодчи олимлар томонидан миллий иктисодиёт таркиби ўзгаришларининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шу билан бирга, иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида Ўзбекистон иктисодиёти таркиби, унинг белгилловчи омиллари, хусусиятлари ва самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган назарий-амалий масалалар комплекс тарзда, тизимли, мустақил тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган.

Иктисодий адабиётларда ушбу мавзуда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили иктисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иктисодиёт таркибини диверсификациялаш бўйича давлатнинг мақсадли дастурларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Муаммонинг долзарблиги, иктисодий адабиётларда етарлича

⁴Абрамов Р.А. Теоретические подходы к диверсификации экономических систем//Экономический анализ: теория и практика. 2009. № 28(157). С.37-42; Арэнд Р. Как поддерживать экономический рост в ресурсно-зависимой экономике? //Вопросы экономики, 2006. №7, С.24-28.; Акимцев А.Ю. Управление диверсификацией промышленного производства: автореф. дисс. ... к.э.н. Саратов, 2001. – 26 с.; Мейер А., Михайлов В., Пруцков А., Тяжов А. Диверсификация промышленного производства: от теории к практике. Кострома-Потсдам: Костромской гос. технол. ун-т, 2007. 135-с; Прищенко Е.А. Влияние различных типов диверсификации на стратегию развития и конкурентные преимущества компании/Мир экономики и управления, 2007. Т.7, №2, С.53-61; Кофанов А.А. Диверсификация региональной экономики как доминирующая стратегия структурного развития в условиях глобализации экономических отношений: автореф. дисс. ... д.э.н. – Краснодар, 2011. – 33 с.; Гребенькова О.А. Диверсификация в агропромышленных формированиях: автореф. дисс. ... к.э.н. – М., 2007. – 24 с.; Солдаткин В.А. Развитие диверсификационной деятельности в аграрной сфере экономики: дисс. к.э.н.: 08.00.05/В.А. Солдаткин. – СПб, 2009. – 189 с.

⁵ Абдуллаев С.А. Миллий маҳсулот ҳажми, таркиби ва ҳаракат шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш//И.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2018. – 67 б.; Вахабов А.В., Разикова Г.Х. Модернизация экономики. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 200 б., Вахабов А.В. Иктисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор иктисодий ўсишни таъминлашнинг методологик жиҳатлари//Ўзбекистон иктисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДИУ, 2016. 8-20 б., Жўраев Т. Иктисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2018. – 624 б.; Мадрахимов У.А. Иктисодиётни модернизациялаш шароитида барқарор ўсиш сифатини ошириш//И.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2017. – 69 б.; Маманазаров А.А. Миллий бойлик таркибий қисмларини диверсификациялашнинг назарий асослари//И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. – Т.: ЎЗМУ, 2022. – 56 б.; Мамбетжанов Қ.Қ. Миллий ҳисоблар тизимида ЯИМни ҳисоблаш усулларининг назарий асосларини такомиллаштириш//И.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: ЎЗМУ, 2019. – 18 б.; Махмудова Г.Н. Иктисодиётни модернизациялаш моделларининг назарий асосларини такомиллаштириш//И.ф.д. (DSc) ... дисс. автореф. – Т., 2018. – 34 б.; Мўминов Н.Г. Бозор муносабатлари шаклланиши даврида Ўзбекистон иктисодиётидаги таркибий ўзгаришлар//И.ф.н. ... дисс. автореф. – Т., 2001. – 19 б.; Нурибетов Т.У. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишлари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)//И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2019. – 53б.; Разикова Г.Х. Экономический механизм реализации промышленной политики в условиях модернизации экономики//И.ф.н. ... дисс. автореф. – Т., 2011. – 18-б.; Тўхлиев Н. Тараққиётнинг ўзбек модели. Монография. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2012. – 180 б.

ўрганилмаганлиги, кутилаётган илмий натижаларнинг илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф-1-115 шифрли “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг зарурияти ва устувор йўналишларини тадқиқ этиш;

миллий иқтисодиёт таркиби, шакллари ва уни белгиловчи омилларни таҳлил қилиш;

миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг илғор хориж тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаш;

миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг ҳуқуқий-институционал асосларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

миллий иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолатини баҳолаш, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг ривожланиш тенденциялари ва уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш жараёнларини чуқурлаштириш йўналишлари ва уларни молиялаштиришни аниқлаш;

узоқ муддатли даврда миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг муқобил сценарий прогнозларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг таркиби белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш самарадорлигини оширишга саноатда қайта ишланадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кооперациялар, уларга аъзо бўлган уй хўжалиги ва тадбиркорлик

субъектларига “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси”дан йиллик 1,4 %да имтиёзли давр билан узоқ муддатли кредитлар ажратиш орқали эришишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

иқтисодиётнинг саноат таркибини республика ҳудудида аввал ишлаб чиқарилмаган ва ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган маҳаллий корхоналар билан давлат органлари ўртасида ўрта муддатли шартнома тузиш йўли билан кафолатли харид тизимини жорий қилиш орқали диверсификациялаш таклифи назарий жиҳатдан асосланган;

иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш билан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ўртасидаги боғлиқликни янги маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришни касаначилик асосида ташкил қилаётган субъектларга асосий ва айланма капитал хариди учун қилинадиган харажатларни қоплаш учун давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баробаригача бўлган миқдорда субсидиялар ажратиш орқали такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

иқтисодиётда хизмат кўрсатиш тармоғи таркибини самарали диверсификациялашга республикада ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшларга бино ва иншоотлар учун ижара харажатларининг базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган қисмини давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш орқали эришишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг илмий-назарий асослари ва уларнинг моҳияти очиқ берилган;

миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш жараёнлари самарадорлиги даражасини баҳолашнинг услубий жиҳатлари такомиллаштирилган;

мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати баҳоланган, миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш ва таркибий ўзгаришларнинг ривожланиш тенденциялари, муаммолари ва молиялаштириш манбалари аниқланган;

мамлакатимизда миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш жараёнларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни кучайтириш ва молиялаштириш йўналишлари аниқланган;

узоқ муддатли истикболда мамлакатимиз миллий иқтисодиёти таркибини диверсификациялашнинг муқобил сценарий прогнозлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга

мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** олинган хулосалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ва бошқа давлат бошқаруви органлари учун таҳлилий тавсиялар тайёрлашда, олий ўқув юртларида ўқитиладиган “Иқтисодиёт назарияси”, “Макроиқтисодиёт”, “Миллий иқтисодиёт”, “Молия”, “Глобал иқтисодий ривожланиш” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва талабаларга таълим бериш жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон иқтисодиёти таркибини диверсификациялаш йўналишлари ва уларни такомиллаштириш борасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш самарадорлигини оширишга саноатда қайта ишланадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кластерлар ва кооперациялар ҳамда уларга аъзо бўлган уй хўжалиги ва тадбиркорлик субъектларига йиллик 1,4 %да, имтиёзли давр билан узоқ муддатли кредитлар ажратиш орқали эришиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4830-сон Қарорининг 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 12 июндаги 20-10466-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғи таркибини самарали диверсификациялашга эришилади;

иқтисодиётнинг саноат таркибини республика ҳудудида аввал ишлаб чиқарилмаган ва ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган маҳаллий корхоналар билан давлат органлари ўртасида ўрта муддатли шартнома тузиш йўли билан кафолатли харид тизимини жорий қилиш орқали диверсификациялаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг

самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-99-сон Қарорининг 5-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 12 июндаги 20-10466-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини диверсификациялаш орқали ички бозорда нархлар кескин ошиб кетишининг ва сунъий танқислик вужудга келишининг олди олинадиган, импорт хажмини камайтиришга ва ички бозорда харид қобилиятининг ошишига хизмат қилади;

иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш билан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ўртасидаги боғлиқликни янги маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришни касаначилик асосида ташкил қилаётган субъектларга асосий ва айланма капитал хариди учун қилинадиган харажатларни қоплаш учун давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баробаригача бўлган миқдорда субсидиялар ажратиш орқали такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 307-сон қарорининг 1-банди б-қисми 2-хатбошисини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 11 сентябрдаги 01/00-03/12-8610-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида республикада касаначиликни ривожлантириш асосида самарали бандликни таъминлаш ва шу орқали иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш жараёнларини жадаллаштиришга эришилади;

иқтисодиётда хизмат кўрсатиш тармоғи таркибини самарали диверсификациялашга республикада ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшларга бино ва иншоотлар учун ижара харажатларининг базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган қисмини давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш орқали эришиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6208-сон Фармони 2-иловасининг 3-бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 11 сентябрдаги 01/00-03/12-8610-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида республикада ёшларнинг самарали бандлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиёт таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, иқтисодиётга хизмат кўрсатиш тармоқларининг таркибини такомиллаштиришга эришилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 4 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та илмий мақолалар, жумладан, 3 таси нуфузли хорижий журналларда, шундан 1 таси халқаро “SCOPUS” базасига киритилган журналда, 5 таси маҳаллий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари очиқ берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг концептуал асослари”** деб номланган биринчи бобида миллий иқтисодиёт таркибига бағишланган илмий концепцияларнинг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарурияти, миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашга бағишланган назариялар чуқур ва тизимли равишда таҳлил қилинган, миллий иқтисодиёт таркибининг илмий-услубий асослари ўрганилган, жумладан, миллий иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришда таркибий ислохотларни ўтказиш зарурияти ўрганилган.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш муаммосига бағишланган кўп сонли илмий изланишлар мавжуд бўлгани ҳолда, ҳанузгача унинг моҳиятини тўлиқ очиқ берадиган ягона ёндашув йўқ. Уларда “диверсификация” атамасига иқтисодий категория сифатида бир қатор ёндашувларни кўриш мумкин. Хусусан, “Катта иқтисодий луғат”да ушбу атамага икки хил таъриф берилган: 1) турли йўналишларни қамраб олган, кенг қамровли ривожланиш; 2) турли рискли вазиятларни инобатга олган ҳолда, иқтисодий зарарни камайтириш мақсадида капиталнинг турли иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши.⁶ “Макмилланнинг замонавий иқтисодий

⁶Большой экономический словарь/Под ред. А.Н. Азрилияна. – М., 1997. – С. 132.

назарияга оид луғати”да “диверсификация” атамасига иқтисодий категория сифатида берилган таъриф қуйидагича: 1) минтақалар бўйича саноат тармоқларининг турли йўналишлардаги ривожланганлик ҳолати; 2) ишлаб чиқарувчи томонидан таклиф этилаётган товар ва хизматларнинг кенг кўламли ассортименти.⁷ “Иқтисодий-математик энциклопедик луғат”да иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш жараёнига иқтисодий категория сифатида берилган таърифга кўра, турли йўналишдаги хўжалик юритиш фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган жараён ҳисобланади.⁸

Бугунги кунда “диверсификация” атамаси иқтисодий фан муомаласида кенг қўлланиладиган категориялардан ҳисобланади. Тараққий этган мамлакатлар амалиётида XIX аср охири ва XX аср бошларида диверсификация жараёнларининг амалиётга татбиқ этилиши бошланган бўлса, “диверсификация” тушунчаси иқтисодий фан муомаласида иқтисодий категория сифатида 1950-йилларнинг ўрталаридан бошлаб қўлланила бошланди.⁹ Ушбу атама амалиётда илк қўлланила бошлаган даврларда “диверсификация” деганда, ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг номенклатурасини кенгайтириш тушунилган.¹⁰

“Диверсификация” атамасининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, миллий иқтисодиётни диверсификациялаш деганда, иқтисодиёт таркибини тармоқлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар турларини кўпайтириш мақсадида қайта шакллантиришга хизмат қилиши зарурлиги тушунилади. Миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш Ўзбекистон учун объектив зарурият ҳисобланади. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибида қишлоқ хўжалиги ва қазиб чиқариш саноати улуши салмоқли ўринни эгаллайди. Миллий иқтисодиётда истеъмол товарлари, агросаноат сектори, туризм ва хизматлар соҳасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар турини кўпайтириш зарурияти сақланиб қолмоқда.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, диверсификация жараёнларини уларни амалга ошириш кўлами нуқтаи назаридан микро, макро ва мезо даражаларга ажратиш мумкин. Микродиверсификация корхона миқёсида амалга оширилса, макродиверсификация мамлакат миллий иқтисодиёти тармоқлари миқёсидаги жараён ҳисобланади. Глобал миқёсда халқаро бозорларга кириб боришни мезо даражадаги диверсификациялаш, деб тушунилади.

Миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш мақсадли таркибий сиёсат ёрдамида амалга оширилади. Таркибий сиёсат иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг мақсад ва вазифаларини асослаш, миллий

⁷Словарь современной экономической теории Макмиллана. — М.: ИНФРА-М, 2003. — С. 136.

⁸Данилов-Данильян В.И. Экономико-математический энциклопедический словарь. — М.: ИНФРА-М, 2003. — С. 52.

⁹Большой энциклопедический словарь/Под ред. А.М. Прохорова. — М.: Большая Рос. Энцикл. [Текст], 1998. — 1456 с.

¹⁰Яковец Ю.В. Циклы. Кризисы. Прогнозы [Текст]/ — М.: Наука, 1999. — С. 446.

иқтисодиётнинг оқилона таркибини шакллантириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олиши лозим.


Ўтказилган тадқиқотлар таркибий сиёсатни уни амалга ошириш усуллари ва иқтисодиёт тармоқларига таъсири жиҳатидан мослашувчан, инновацион ва консерватив турларга ажратиш имконини берди. Миллий иқтисодиётни диверсификациялашга қаратилган таркибий сиёсат инновацион характерга эга бўлиши зарур (1-жадвал).

1-жадвал.

Таркибий сиёсатнинг иқтисодиёт тармоқлари таркибига таъсири¹¹

Таркибий сиёсат тури	Иқтисодиёт таркибига таъсири	Амалга ошириш усуллари
Мослашувчан	Иқтисодиёт таркиби босқичма-босқич ўзгаради	Иқтисодиёт секторларини янги муҳитга босқичма-босқич мослаштириш учун вақтинчалик молиявий қўллаб-қувватлаш
Инновацион	Иқтисодиёт таркиби жадал суръатларда, тубдан ўзгаради	Илмий ва инновацион ғояларнинг амалга оширилиши
Консерватив	Иқтисодиёт таркиби жиддий ўзгармайди	Иқтисодиётнинг анъанавий тармоқларини ривожлантириш

Таркибий сиёсат ва иқтисодиёт секторлари ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд бўлиб, таркибий ўзгаришлар давлат томонидан олиб борилаётган актив ва пассив таркибий сиёсатлар туфайли турли натижаларга олиб келиши мумкин (1-расм).



1– таркибий ўзгаришларга олиб келувчи актив таркибий сиёсат.

2– пассив таркибий сиёсат: самарали (бозор тартибга солади) ва самарасиз иқтисодий ўсиш.

1-расм. Иқтисодиёт секторлари ва таркибий сиёсат ўртасидаги боғлиқлик¹²

¹¹ Вахабов А.В. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг методологик жиҳатлари//Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.:ТДИУ, 2016. – 8-20 б.

Пассив таркибий сиёсат давлат томонидан тармоқлар, фаолият турлари, минтақалар ўртасида капитал ва ресурсларнинг бозор механизмлари таъсирида эркин ҳаракатланиши ҳамда рақобат муҳитини шакллантириш учун қулай ҳуқуқий базани яратиш билан чекланади. Капитал ва ресурсларнинг бир тармоқ, фаолият тури ёки минтақадан бошқасига “оқиб ўтиши” билан боғлиқ таркибий ўзгаришлар фойда нормаси ўртасидаги фарқлар туфайли юз беради. Пассив таркибий сиёсат узоқ давом этадиган ва сезиларли ижтимоий йуқотишлар билан боғлиқ ҳолда кечади. АҚШ иқтисодиётининг таркиби пассив таркибий сиёсат натижасида шаклланганлиги туфайли, ушбу моделни, кўпинча, “америкача модель” деб юритилади.

Актив таркибий сиёсат (“япон модели”) иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш мақсадида давлат томонидан кенг қамровли дастакларнинг қўлланиши билан изоҳланади. Иқтисодиётнинг прогрессив таркибини шакллантиришда давлатнинг фаол иштироки, иқтисодиёт таркибининг айрим элементларини баҳолашда прогноз кўрсаткичлардан фойдаланиш, истиқболли ва истиқболсиз тармоқлар, ишлаб чиқариш турлари, минтақаларни аниқлаш, устувор тармоқлар ва ишлаб чиқаришни белгилаш, иқтисодиёт тармоқларини қайта шакллантириш мақсадида давлат дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш, алоҳида тармоқлар, минтақалар, ишлаб чиқариш ва бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини қўллаб-қувватлашда селектив ёндашиш актив таркибий сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, ушбу турдаги дастурларни амалга ошириш қуйидаги тўрт босқичда бўлиши мақсадга мувофиқ:

1) ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эътибор қаратилади. Бунда, товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитларини яхшилаш, юқори малакали ишчи кучидан фойдаланган ҳолда меҳнат унумдорлигини оширишга устуворлик берилиб, мамлакат базавий тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишга эришилади;

2) миллий иқтисодиётга инвестицияларни кенг жалб қилишга устуворлик қаратилади. Инсон капиталини инвестициялашда таълим хизматлари сифатини ошириш, миллий компанияларнинг технологик ривожланишини қўллаб-қувватлаш, илмий-тадқиқот ишлари ва уларнинг натижаларидан ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш, илмий-тадқиқот ишланмаларини лицензиялаш каби дастурлар шулар жумласига киради;

3) ишлаб чиқариш технологияларининг янги турлари яратилиши натижасида товар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва инновацион ривожланиш йўлига ўтиш ҳисобига миллий ва минтақавий “рақобатбардошлик ромби”ни такомиллаштиришга устуворлик берилади;

4) ишлаб чиқариш омиллари, инвестициялар ва инновациялардан бир вақтнинг ўзида самарали фойдаланиш механизми шаклланиб, миллий ва

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

минтақавий рақобатбардошлик кўрсаткичининг узок муддатли даврда барқарор ривожланиши кафолатланиб, пировард натижада, миллий бойлик ортишига эришилади.

Тадқиқот ишининг **“Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий тузилиши ва унинг ўзгариш тенденциялари”** деб номланган иккинчи бобида миллий иқтисодиётни ривожлантириш хусусиятлари ва унинг таркибини модернизациялашнинг институционал жиҳатларини таҳлил қилиш асосида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш босқичлари ўрганилган. Шунингдек, миллий иқтисодиёт таркибини шакллантириш, уни ривожлантириш ва тармоқларни модернизациялаш хусусиятларидан самарали фойдаланиш йўллари келтирилган.

Тадқиқотлар ялпи ички маҳсулот таркибида тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати улуши 2000-2022 йилларда 87,5 %дан 93,2 %га ортгани ҳолда, маҳсулотга соф солиқларнинг улуши 12,5 %дан 6,8 %га қисқарганлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат иқтисодиётда солиқ юкининг пасайиб бораётганини англатади. Таҳлиллардан маълум бўлдики, ялпи ички маҳсулот, иқтисодиётга сарфланаётган инвестициялар ва бандликнинг тармоқ таркибида муайян номутаносибликлар мавжуд. Жумладан, 2010-2022 йилларда ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 30,6 %дан 25,2 %гача қисқаргани ҳолда, саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ҳиссасига 24,1 %дан 33,4 %гача ошган. Иқтисодиётга сарфланаётган инвестицияларнинг катта қисми казиб чиқариш саноатига йўналтирилгани ҳолда, меҳнатда банд аҳолининг қарийб $\frac{1}{4}$ қисми банд бўлган қишлоқ хўжалиги ҳиссасига инвестицияларнинг атиги 7,4 %и тўғри келмоқда (2-жадвал).

Тадқиқотлар кўрсатишича, норасмий бандлик миллий меҳнат бозорининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Норасмий сектордаги бандлик даражасининг юқорилиги меҳнат бозоридаги таркибий бузилишлар билан бир қаторда, расмий сектордаги бандликни ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иқтисодиётни модернизация қилишга жиддий тўсқинлик қилмоқда.

2022 йилда норасмий секторда банд бўлган аҳолининг улуши 54,0 %ни ташкил этиб, норасмий секторда банд бўлганларнинг юқори улуши Наманган (57,6 %), Сурхондарё (56 %), Жиззах ва Қашқадарё (52,5 %) вилоятларида кузатилди. Норасмий бандликнинг тармоқ таркибида қурилиш, транспорт, турар-жой ва овқатланиш, савдо, соғлиқни сақлаш ва кадрлар тайёрлашда кўрсатиладиган хизматлар улуши етакчи соҳалар саналади. Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ижобий ўзгаришларга қарамасдан, ишсизлик даражаси юқорилигича қолмоқда. 2021 йилда ушбу кўрсаткич 9,6 %ни, шу жумладан, аёллар ўртасида 13,3 % ва эркаклар ўртасида эса 6,9 %ни ташкил этди. Ишсизлик даражасининг ўсишига, биринчи навбатда, коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият таъсир кўрсатди¹³.


¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

**Миллий иқтисодиёт тармоқ ва бандлик таркибининг ўзгариши,
жамига нисбатан % ҳисобида¹⁴**

Тармоқлар/ йиллар/ қўрсаткичлар	2010й			2015й			2020й			2021й			2022й		
	ЯИМ	Асосий капиталга инвестициялар	Бандлик	ЯИМ	Асосий капиталга инвестициялар	Бандлик	ЯИМ	Асосий капиталга инвестициялар	Бандлик	ЯИМ	Асосий капиталга инвестициялар	Бандлик	ЯИМ	Асосий капиталга инвестициялар	Бандлик
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	30,6	10,0	26,8	34,1	10,1	27,5	26,8	7,0	26,4	26,9	7,4	25,2	25,2	7,4	24,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	24,1	30,9	19,5	26,2	42,0	22,9	33,5	42,3	23,7	33,9	48,7	23,8	33,4	49,4	23,3
<i>Саноат</i>	18,7	29,6	8,9	20,2	39,6	13,5	26,8	37,8	13,8	27,3	41,1	13,8	26,7	43,8	13,4
<i>Қурилиш</i>	5,4	1,3	10,6	6,0	2,4	9,4	6,7	4,8	9,9	6,6	7,6	10,0	6,7	5,6	9,9
Хизматлар	45,3	59,1	53,7	39,7	47,9	49,5	39,7	25,7	49,9	39,6	27,7	51,0	41,5	50,6	51,8
<i>Савдо, яшаш ва овқатла- ниш бўйича хизматлар</i>	8,6	0,9	10,6	8,5	1,1	13,5	6,5	7,5	10,6	6,8	1,7	11,4	7,0	1,6	11,4
<i>Ташиш ва сақлаш</i>	10,6	21,5	4,4	10,0	8,3	4,7	6,8	6,7	4,6	7,0	6,7	4,8	7,0	6,8	4,7
<i>Таълим</i>	-	2,5	9,5	-	2,2	8,5	-	2,6	8,8	-	3,2	9,0	-	3,0	9,0
<i>Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар</i>	-	1,9	5,1	-	2,1	4,6	-	3,2	5,1	-	3,1	4,8	-	2,9	4,8
<i>Бошиқа турлари</i>	26,1	6,0	24,5	21,2	7,1	17,1	26,4	5,7	20,8	25,8	16,2	21,0	27,5	6,2	22,0

Фикримизча, Ўзбекистон иқтисодиёти таркибини оптималлаштириш жараёнини тартибга солиш қуйидаги тамойилларга асосланиши зарур: иқтисодиётни тартибга солишнинг пул ва молия дастакларига асосланган ҳолда иқтисодиёт таркибини ўзгартиришда давлат таъсирини кучайтириш; иқтисодиётдаги таркибий мутаносибликларни тартибга солувчи бозор механизмларини ривожлантиришга устуворлик бериш, такрор ишлаб чиқариш жараёнига барқарор таъсир ўтказиш. Ушбу жараёнда иқтисодиёт таркибини яхшилашнинг молиявий дастаклари муҳим ўрин тутди. Молиявий дастакларнинг аҳамиятини истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги назарий боғлиқлик схемаси асосида очиб бериш мумкин (2-расм):

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.



2-расм. Истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги назарий боғлиқлик¹⁵

Истеъмол ялпи ички маҳсулотнинг $\frac{2}{3}$ қисмини ташкил этгани боис, унинг ўзгариши иқтисодиётдаги ўсиш ва пасайишларга бевосита боғлиқ ҳолда ўзгаради. Даромадлар истеъмолнинг муҳим детерминантлари ҳисобланади. Истеъмол таркиби жорий даромадлар миқдори кутилаётган даромадлар даражасига бевосита боғлиқ ҳолда ўзгаради. Давлат даромадлар ва истеъмол ўртасидаги нисбатга солиқлар ва ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштириш орқали таъсир кўрсатади.

Таҳлиллар 2010-2023 йилларда аҳоли даромадлари таркибида жиддий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, жами даромадлар таркибида бирламчи даромадлар улуши 74,2 %дан 73,3 %гача қисқаргани ҳолда, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 25,8 %дан 26, %га қадар ўсган. Айни вақтда, истеъмол миқдори, унинг таркиби ва ижтимоий ҳимоя даражасига таъсир кўрсатувчи муҳим кўрсаткич – ёлланма ишчиларнинг даромадлари улушини 45,0 %дан 29,7 %гача қисқарганлигини кўриш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадлари таркибининг ўзгариши, жамига нисбатан фоиз ҳисобида¹⁶

Кўрсаткичлар	2010й	2015й	2020й	2021й	2022й	2023й
Жами	100,0	100,0	100,0	100	100	100
I. Бирламчи даромадлар	74,2	78,2	75,7	73,8	70,2	73,3
I. 1. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	71,8	75,1	73,6	71,7	67,9	70,5
I. 1.1. Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар	70,0	72,8	66,2	65,0	61,6	64,0
I. 1.1.1. Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	45,0	41,5	27,5	28,5	28,3	29,7
I. 1.1.2. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	25,0	31,6	38,7	36,5	33,3	34,3
I. 1.2. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	1,8	2,3	7,4	6,7	6,3	6,5

¹⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган

I.2. Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,4	3,1	2,1	2,1	2,3	2,8
II. Трансфертлардан олинган даромадлар	25,8	21,8	24,3	26,2	29,8	26,7
Умумий даромадлар таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар	47,1	52,4	59,9	58,5	56,9	57,0

Ўзбекистонда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг ҳудудий таркиби билан аҳолининг мамлакат ҳудудлари бўйлаб жойлашуви ўртасида номутаносибликлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида аҳоли сонига нисбатан истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш улуши озлиги кузатилади (4-жадвал).

4-жадвал.

Ўзбекистонда аҳоли сони, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг ҳудудий таркиби, жамига нисбатан % ҳисобида¹⁷

Ҳудудлар	2010 йил			2022 йил		
	Аҳоли	Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	Хизматлар кўрсатиш	Аҳоли	Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	Хизматлар кўрсатиш
Ўзбекистон Республикаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	5,8	1,8	2,5	5,5	1,7	2,9
Андижон в.	9,1	23,9	4,9	9,2	25,2	4,9
Бухоро в.	5,8	5,6	4,0	5,6	3,4	4,3
Жиззах в.	4,0	1,9	1,6	4,1	2,8	2,2
Қашқадарё в.	9,3	4,8	4,2	9,7	2,1	4,4
Навоий в.	3,0	3,3	2,4	2,9	2,2	2,5
Наманган в.	8,1	4,3	3,6	8,3	5,3	4,0
Самарқанд в.	11,1	10,3	6,6	11,4	6,8	6,3
Сурхондарё в.	7,4	2,1	2,9	7,8	1,2	3,5
Сирдарё в.	2,6	1,8	1,3	2,5	1,4	1,4
Тошкент в.	9,2	9,8	8,3	8,3	12,6	7,1
Фарғона в.	11,0	8,3	5,4	11,0	5,3	6,0
Хоразм в.	5,6	2,5	3,2	5,5	7,1	2,9
Тошкент ш.	8,0	19,6	32,5	8,1	23,0	39,4

Миллий иқтисодиёт таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг юқорилиги, норасмий бандлик ва ишсизлик даражасининг юқорилигини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган

Хусусан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватловчи масъул давлат идоралари ёрдамида кластерлар, кооперацион алоқалар ва ишлаб чиқариш асосида касаначилик ташкил этаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ (3-расм).



3-расм. Тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизми¹⁸

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги таркибини диверсификация қилишни кластер ва кооперациялар ҳамда уларга аъзо бўлган тадбиркорлик субъектларига, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигига, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига кредитлар ажратиш асосида такомиллаштириш зарур. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, мақсадли прогноз параметрлари маҳаллий саноатни

¹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

диверсификациялашда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, миллий иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотлари миқдори ва номенклатурасини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Жумладан, 2000-2022 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми жами саноат маҳсулотлари таркибида 46,9 %дан 34,2 %га қисқаргани ҳолда, нооziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш улуши қарийб 1,5 марта ортиб, 45,8 %дан 65,8 %га етди.

Шунингдек, саноат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар таркибида тери ва унга тегишли маҳсулотлар (0,5 %), асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари (0,7 %), мебель (0,9 %), компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар (1,4 %), резина ва пластмасса буюмлар (2,0 %), электр ускуналар (3,1 %) каби ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини касаначилик асосида кўпайтириш имкони юқори бўлган тармоқлар улуши пастлигича қолмоқда¹⁹. Таҳлиллар Ўзбекистон аҳолисининг компьютер, электр чангютгич ва енгил автомобиль каби узок муддат хизмат қилувчи истеъмол товарлари билан таъминланганлик даражаси, музей ва театрларга бориш каби хизматлардан фойдаланиш ҳолати бўйича МДХнинг айрим мамлакатларига нисбатан паст кўрсаткичларга эғалигини кўрсатмоқда (5-жадвал).

5-жадвал.

Айрим МДХ мамлакатларида аҳолининг узок муддат хизмат қилувчи истеъмол товарлари ва хизматлардан фойдаланиш ҳолати (2022)²⁰

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Ўзбекистон	Россия	Қозоғистон	Озарбайжон
Музейларга бориш	1000 кишига	157	655	308	239
Театрларга кириш		57	175	136	42
Енгил автомобиллар билан таъминланганлик		95	327	188	134
Интернетдан фойдаланувчилар улуши	%	84	90	94	88
Уяли алоқа абонентлари сони	100 кишига	90	215	130	110
Компьютерлар билан таъминланганлик	100 уй хўжалиги	64	129	78	75
Электр чангютгичлар		69	102	95	95
Стационар уй телефонида фойдаланиш		3,6	8,7	11,3	13,3

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

²⁰ Муаллиф томонидан тузилган. Манба: Мониторинг показателей качества жизни населения в странах Содружества Независимых Государств 2019-2022. Межгосударственный статистический комитет СНГ/ – М., 2023. – 97 с.

Иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш жараёнларини янги маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришни касаначилик асосида ташкил қилаётган тадбиркорлик субъектларига асосий ва айланма капитал хариди учун қилинадиган харажатларни қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баробаригача бўлган миқдорда давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан субсидиялар ажратиш асосида қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Касаначиликни ривожлантириш асосида самарали бандликни таъминлаш ва шу орқали, иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш жараёнларини жадаллаштиришга эришилади.

